المرأة وأثرها في استقامة المجتمع

Аёл ва унинг жамият устиворлигидаги ўрни

Шайх Муҳаммад Ҳассон
Ислом Нури таржимаси

بسم الله الرحمن الرحيم

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд...

Аллоҳ йўлидаги дўстларим, фозила опа-сингилларим! Даврамизга хуш келибсиз, ушбу учрашувимизни Аллоҳ таоло барчамизга манфаатли қилсин, уни холис Ўзининг Юзини истаб қилинган амал қилсин ва қиёмат учун ҳозирлаган йўл озуқамизга айлантирсин.

«Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозиру нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган КУНни (эсланглар)! Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Аллоҳ бандаларига меҳрибондир» (Оли Имрон: 30).

Бугунги суҳбатимизни **«Аёл ва унинг жамият устиворлигидаги ўрни»** деб номладик. Одатимизга кўра, уни қуйидаги бир неча моддага бўлиб олиб борамиз:

Биринчи: Зарур муқаддима.

Иккинчи: Машъум тил бириктирув.

Учинчи: Ислом аёлни мукаррам этгани.

Тўртинчи: Аёлнинг мусулмон жамиятини бунёд этишдаги роли.

Бешинчи: Олий намуналар ва покиза ўрнаклар.

Олтинчи: Табрик ва хушхабар.

Биринчи: Зарур муқаддима

Фозила ва собира синглим!

Динимиз душманлари мусулмон аёл исломий жамиятдаги энг катта куч-қувват сабабларидан эканини жуда яхши билишгани боис унинг ҳаракатини фалаж қилиш ва ўзини фитна ўринларига тортиб тушириш учун кеча-ю кундуз тиним билмай режалар тузишади. Бу нарса уларнинг *«Шароб косаси ва соҳибжамол аёл мусулмон умматини вайрон қилишда мингта замбаракдан кўпроқ иш беради, шундай экан уларни мол-дунё ва шаҳватлар муҳаббатига ғарқ қилинглар»* деган сўзларида ҳам очиқ кўринади.

Мусулмон аёл ўз умматига яна янгидан амалли олимлар ва содиқ мужоҳидларни туҳфа этиши мумкинлигидан хавотирланиш уларнинг уйқусини қочиради, улар мусулмон аёл бепуштга айланишини исташади, унинг яна янгидан Холидлар, Салоҳуддинлар ва Ибн Таймияларни дунёга келтиришидан қўрқишади.

Шунинг учун ҳам мустамлакачилар ўз ўринларига уларнинг барча режаларига мос келадиган ишончли янги мафкуравий армияни қолдириб кетишаётганига тўла ишонч ҳосил қилгачгина бизнинг диёрлардан ўз армияларини олиб чиқишди ва ўз ўринларига қолдириб чиқиб кетишаётган мазкур армия аъзоларини «озод этувчилар», «янгиловчилар», «тараққийпарварлар» каби жарангдор лақаб ва сифатлар билан атадилар.

Бу туркум одамларни улар жоҳилликларини ўрайдиган ва залолатларини яширадиган ёлғон ва сохта даъволар билан кўпиртириб, шишириб кўрсатишга, уларга ҳамманинг диққатини жалб қилишга зўр бериб уринишди.

Бироқ, бу нарса уларнинг жаҳолатини билимга, фисқу-фужурларини тақвога, одамлар қалбидан узоқликларини яқинликка айлантириб қўя олмайди, аслида.

Улар ичи бўш ноғорага ўхшашади, гумбур-гумбур овозлари эшитилгани билан ичлари бўм-бўш ва яхшиликдан холидир.

Таассуфлар бўлсинки, улар ичида фатвога мутасадди бўлган ва шаръий илм аҳллари деб танилган кишилар ҳам борки, улар ботил аҳлига ва дин душманларига ботил ишларида суянадиган эгри сўзларни тўқиб бериб туришади.

Бухорий, Муслим ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Албатта Аллоҳ илмни бандалари қалбидан суғуриб олиш билан олиб қўймайди, балки илмни олимларни олиш билан олиб қўяди. Ҳатто бирон бир олимни қолдирмагач, одамлар жоҳил кимсаларни ўзларига бош қилиб олишади, улардан (фатво) сўралганда илмсизлик билан фатво бериб, (ўзлари ҳам) адашиб, (бошқаларни ҳам) адаштиришади»** (Саҳиҳул-жомиъ: №1854).

Ўшалар ва уларнинг валинеъматлари ўзаро тил бириктириб, «хотин-қизларни озод қилиш», «хотин-қизлар эркинлиги», «хотин-қизлар ҳуқуқлари» учун курашиш мавзусидаги сохта шиорларни баланд кўтариб, томоқларини йиртадилар.

Иккинчи: Машъум тил бириктирув

Ҳа, азиз дўстларим! Динимиз душманлари ва уларнинг думларининг мусулмон аёлни ҳар қандай йўл билан бўлса-да бузиш, динидан ва ахлоқидан маҳрум этишни кўзлаган машъум режалари бор.

Уммат душманлари ушбу режаларини айрим мусулмон ўлкаларида тўла-тўкис, айрим ўлкаларда эса қисман амалга оширишга муваффақ бўлдилар.

Мен ҳозир ушбу машъум режаларидан баъзиларини мухтасар шаклда сизларга айтиб ўтаман.

1) **Хотин-қизлар муаммоси деб аталган нарсани ўйлаб топганликлари:**

Одамлар одатда уларни қўзғотадиган ва жунбушга келтирадиган бирон масала ўртага чиқмагунича ҳаракатга тушмай, бепарво

ўтираверадилар. Шунинг учун ҳам дин душманлари одамлар орасига хотин-қизлар масаласи баҳс-мунозара қилишга муҳтожлиги ва уларга ёрдам кўрсатилиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақидаги гапларни киритиб юборишади, бу ҳақда матбуот воситаларида турли шов-шувли мақолалар эълон қилишади, мусулмон жамиятларидаги аёлларни доимий зулм ва қийноқ остида ҳаёт кечираётган қилиб тасвирлайдилар, уларни жамиятнинг эътиборсиз ташланган бўлаги деб атайдилар, эркак киши гўё аёл устидан мутлақ ҳукмронлигини ўрнатган ва аёл шўрлик ҳеч қандай ҳуқуққа эгамас экани ҳақида жар соладилар. Шу билан улар одамларга мусулмон жамиятларида хотин-қизлар муаммоси мавжуд деган фикрни сингдириб юборадилар, ҳақиқатда эса бундай муаммонинг ўзи мавжуд эмасдир.

2) Мусулмон жамиятининг иммунитетини (иллатларга қарши курашувчанлигини) йўқ қилиш

Мусулмон жамияти – гарчи анча заифлашиб кетган бўлса-да – вужудида ақида ва ахлоққа кириб келадиган ҳар қандай ёт нарсага қарши иммунитет – курашувчанлик руҳи сақланиб тураркан, у ўзидан ҳар қандай нопокликларни улоқтириб ташлай олади. Шунинг учун ҳам душманлар мусулмон жамияти танасидаги иммунитетни заифлаштиришга, унинг вужудида бўлган ўз дини учун ҳамият қилиш ва ақидаси учун жонбозлик туйғусини ўчириб ташлашга зўр бериб уриндилар. Чунки, фақат шундан кейингина улар мусулмон жамияти вужудига ўзлари истаганча фасод ва разолатни ёғдириб ташлашга қодир бўлардилар.

Биринчи бор мункарни кўрганда кишининг юраги қалтираб кетади. Иккинчи мартада эса қалтираш анча пасаяди. Учинчи мартасида мункарга бепарволик билан қарайди. Тўртинчи марта эса ўша мункарга йўл ахтариб қолади. Бешинчи мартасида ўзи ўша мункарга қўл уради. Олтинчи мартасида бу ҳақда фалсафа тўқиб, бошқаларни ҳам унга чақиришга киришади.

Мусулмон жамияти танасидаги иммунитетни сусайтириш кўринишларидан баъзилари:

- Ахлоқсиз газета ва журналлар аёлларнинг шармсиз ва беҳаё кўринишдаги суратларини тинимсиз чоп этишлари ортидан кўпчилик одамлар наздида бу нарса одатий ҳолдек қабул қилинадиган бўлиб қолди, ҳатто бундай шармандаликни инкор қилиш оёқ-қўлга кишан уриладиган жиноят сифатида талқин этилиб қолди.
- Сериаллар, кинофилмлар, телешоулар, учрашувлар, хабарлар орқали динсизларнинг бузуқ мафкуралари мунтазам суратда одамлар ҳаётига олиб кирилди ва бу нарса улар учун оддий ишга айланиб улгурди.
- Мусулмон жамиятида аёл киши зулм остида ҳаёт кечиради, бинобарин хотин-қизлар озодлигини ва уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини талаб қилиш зарур деган фикрни ўртага олиб чиқилди.
- Оилани, оналикни ва эркак кишининг оиладаги раҳбарлик ролини табиатлар жирканадиган даражада бузиб кўрсатилди. Улар тасвирлашларича, мусулмон кишининг хонадони бир умрлик зиндон!! Эр золим зиндонбон!! Эрнинг бошқарувчи яланғочланган қилич!! Оналик ҳайвонлар мисол бола кўпайтириш!! Бундай адолатсиз ва бўҳтон гаплар билан кўплаб хотин-қизларнинг бошини айлантиришнинг уддасидан чиқдилар.
- Кўнгил тўғри ва яхши тарбия кўрган бўлиш кифоя, ҳижобга ўраниш шарт эмас, деган фалсафа ортига яширинib, ҳижобга қарши ҳар турли йўллар билан кураш олиб бориш ва эркаклар билан очиқ аралашиб юришга чорлаш орқали покиза аёлларни разолат ва фитна ботқоқларига ботирилди. Ваҳоланки, бундай адаштирувчи фикр эгалари ўзлари вабо ўринларидан моховдан қочқандек қочишади, соғлом одамнинг юқумли касалликлар билан оғриган кишилар билан аралашиб юришларини ҳеч ҳам ёқлаб гапиришмайди, ахир!!
- Тўлқин пасайишини кутиш сиёсати. Бу эса ахлоқсизликка поғонама-поғона олиб бориш услубига эргашиш билан ҳосил бўлади. Норозилик тўлқини кўтарилган пайтда секин бошларини эгиб, тўлқин ўтиб кетишини кутиб ўтиришади. Кейин яна ҳам

қаттиқроқ ва яна ҳам ашаддийроқ кўринишда фаолиятни давом эттиришади.

Суҳбатимиз давомида энди Ислом аёл кишини қандай мукаррам қилганини мухтасар шаклда баён қилиб ўтишга ҳаракат қиламан. Аллоҳга қасамки, ер юзидаги биронта ҳам дин ва биронта ҳам тузум аёл кишини Ислом мукаррам этганича мукаррам этган эмас. Суҳбатимизнинг учинчи моддаси шу ҳақда бўлади.

Учинчи: Ислом аёлни мукаррам этгани

Мен сизларга хотин-қизларнинг Ислом келишидан олдин греклар, римликлар, хитойликлар, ҳиндлар, форслар, яҳудлар, насронийлар ва жоҳилият даври араблари ичида тутган ўрни ҳақида бирма-бир гапириб ўтган бўлардим-у, бироқ вақт бунга имкон бермайди. Бир сўз билан айтганда мазкур жамиятлар наздида аёл киши яшашга ҳам ҳақли бўлмаган нопок бир махлуқ сифатида кўрилган.

Ислом келгач, аёл кишини бундай тубан ўриндан юксалтириб, сотиладиган ва сотиб олинадиган оддий бир матоликдан, орият қилиб ва фақирлик туфайли тириклайин кўмиб юбориладиган, шафқатсизларча ўлдириб юбориладиган қадрсиз бир нарсаликдан қутқариб, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган юқори даражаларга олиб чиқди.

Ислом келгач, аёл кишини эркак кишининг тенгига айлантирди. Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можалар Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ва Албоний саҳиҳ санаган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Аёллар эркакларнинг туғишган опа-сингилларидир»** (Саҳиҳул-жомиъ: 1983).

Ислом келгач, онага яхшилик қилишни отага яхшилик қилишдан муқаддам ўринга қўйди. «Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. **«Онанг!»** дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. **«Онанг!»** дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. **«Онанг!»** дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. **«Кейин отанг!»** дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ислом келгач, аёл кишини турмуш ўртоқ сифатида мукаррам қилди. «Саҳиҳ Муслим»да Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжатул-вадоъда шундай дедилар: **«Хотинлар хусусида Аллоҳдан тақво қилинглар! Зеро, сизлар уларни Аллоҳнинг омонати билан олдинглар ва фаржларини (аврат аъзоларини) Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол қилиб олдинглар»**.

«Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аёлларга яхшилик қилишни бир-бирингизга тавсия қилинглар!»**, деганлар.

Аҳмад, Термизий, Абу Довуд ва бошқалар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, Албоний ҳасан санаган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи гўзалроғидир. Сизларнинг яхшиларингиз ўз аёлларига яхши бўлганларидир»** (Термизий: №1162, Абу Довуд: №4682).

Ислом келгач, аёл кишини қиз фарзанд сифатида мукаррам қилди. Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким икки жорияни (яъни, иккита қизни) то балоғатга етгунларича ўз қарамоғига олса, у киши қиёмат куни мен билан бирга мана бундай келади»**, деб бармоқларини бирлаштирдилар (Муслим: №2631). Термизий ривоятида: **«Ким иккита қизни бўйига етгунича парвариш қилса, мен ва у жаннатга мана бундай кирамиз»**, дедилар ва кўрсаткич бармоқлари билан ўрта бармоқларини ёпиштирдилар (Термизий: №1917).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Қай бир мусулмоннинг иккита қизи бўлса-ю, уларни чиройли тарбия қилса, улар уни албатта жаннатга олиб кирадилар»** (Саҳиҳул-адабил-муфрад: 57).

«Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Бир бечора аёл икки қизчасини кўтариб ҳузуримга келди. Мен аёлга ҳузуримдаги бор нарсани – учта хурмо бердим. У қизларига биттадан хурмо берди, ўзи учинчисини энди оғзига олиб борганида қизлари яна қўл чўзишди. Шунда аёл учинчи хурмони ҳам уларга бўлиб берди. Менга

аёлнинг қилган иши жуда ёқди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганида бу воқеани айтиб бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ таоло аёлга ана шу иши сабабли жаннатни вожиб қилди ёки уни дўзахдан қутқарди»**, дедилар.

Бошқа бир ривоятда: «Мен бу ҳақда Расулуллоҳга айтган эдим, **«Кимки қизлари тарафидан бирон имтиҳонга солинса, шунда уларга яхшилик қилса улар у учун дўзахдан парда бўладилар»**, дедилар (Бухорий: 4/26, Муслим: №2629, Термизий: №1916).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни имтиҳон деб атадилар, чунки, кўпчилик одамлар учун бу одатда ёқимсиз иш саналади.

Исломнинг аёл кишини мукаррам этганлиги шу билан ҳам яққол кўринадики, Қуръондаги бутун бошли бир сура улар номи билан, яъни «Нисо» (аёллар) сураси деб аталди.

Шу миқдор далиллар келтириш билан кифояланаман, аслида бу ҳақда жуда кўп далиллар келган. Аллоҳга қасамки, аёл киши ўзининг азизлиги, шарафи ва улуғлигига фақат Исломда эришди.

Балки, ҳозирги пайтда шарқу-ғарбдаги аёллар ҳуррият ва маданият даъвогарлари ривожлантираётган нарсаларнинг аксини айтиб ҳайқирмоқдалар.

Яхши биласизларки, бу кофир диёрларда аёл киши ёш ва гўзал чоғида унинг ёшлиги ва жамолидан фойдаланадилар, вужудидан лаззат оладилар, кексайган чоғида эса биронта қариялар уйига ташлаб кетадилар, у ўша ерда то ўлгунича ҳеч кимнинг эсига келмай, унутилган ва ташландиқ ҳолда кун кечиради. Агар болалари бор бўлса, йилда нари борса бир ё икки марта кўргани келишади. Биз бу ҳолатни Европа ва Америкада ўз кўзимиз билан кўрдик. Америкага охирги сафарим пайтида мусулмон эри ёнида яшаётган бир америкалик муслима билан кўришиб қолдим ва унинг Исломни қабул қилганидан кейинги ҳиссиётлари билан қизиқдим. У деди: «Аллоҳга қасамки, эй оға, мен бутун дунё аёлларига айтган бўлардимки, сизлар ўзингиз учун ҳурмат-эътиборни фақат Ислом сояси остида топасиз!».

Тўртинчи: Аёлнинг мусулмон жамиятини бунёд этишдаги роли

Мусулмон аёл мусулмон жамияти биносидаги энг биринчи устундир. Чунки, бу жамият оила биноси устига қурилади. Оила биноси эса жамият вужудидаги, балки бутун уммат вужудидаги энг муҳим бинодир. Мен одамлардан ажабланаманки, лой ва ғиштдан қуриладиган бино қурилишига қаттиқ эътибор беришади, у учун муносиб жой ва бинонинг пишиқ-пухталиги гарови бўлган яхши материаллар танлашади. Бироқ, эру-хотин, ўғил ва қизлардан ташкил топувчи оила биносига у қадар аҳамият қаратишмайди. Ҳолбуки, ғиштлардан қуриладиган бино фақат шу дунё саодатига тааллуқли, оила биноси эса дунё ва охират саодатига тааллуқлидир.

Ҳа, дўстларим, мусулмон хонадони ушбу ақида қалъаларидан бир қалъадир. Мусулмон отанинг ўзи бу қалъани омон сақлашга асло кифоя қилмайди, балки бу қалъанинг омонлиги учун болаларини Китобу Суннат асосида тарбия қиладиган она ҳам зарурдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Аёл киши эрининг уйида роъия (раҳбар) ва у ўз раиятидан масъулдир»** (Бухорий: 13/100, Муслим: 18/29).

Она покиза тарбиянинг энг биринчи манбаидир, фотиҳ қўмондонларни, амалли уламоларни, содиқ даъват соҳибларини у етиштириб беради.

Аллоҳга қасам, яна Аллоҳга қасамки, биз дунёни ахлоқсиз ва енгилтак оналаримиз билан фатҳ қилмадик, балки биз дунёни покиза, диндор, олима, мужоҳида, сабрли, (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи, тавба қилувчи ва ибодатли оналаримиз билан фатҳ этганмиз.

Ҳозир мен сизларга биз мусулмонлар барча замон ва маконларда фахр-ифтихор этадиган нуроний намуналардан айримларини ҳавола этмоқчиман. Суҳбатимизнинг бешинчи моддаси шу ҳақдадир.

Бешинчи: Олий намуналар ва покиза ўрнаклар

Ҳеч муболағасиз, мана шу мавзунинг бир ўзи ҳам қайта-қайта, бир неча суҳбатлар қилишга арзийди. Бироқ, мен бу ерда бир неча мисоллар кеотириш билан чекланаман.

Келинг, бир неча дақиқаларимизни энг покиза ўрнак, аёллар оламидаги энг олий намуна билан, вафо рамзи, пайғамбарлар саййидининг жуфти, жоҳилиятда ҳам, Исломда ҳам тоҳира бўлган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни энг биринчи бўлиб тасдиқ этган аёл ва у зотнинг илк завжалари бўлган, ер юзида илк бор Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқиган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бринчи бўлиб фарзандлар ҳадя этган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан биринчи бўлиб жаннат хушхабарини эшитган, Қуръонни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги биринчи тингловчиси бўлган, биринчи бўлиб Жибрил воситаларида унга Парвардигор таолонинг саломи тушган, раҳм-шафқат дарёси, меҳр-мурувват чашмаси, иззат асоси ва иймон қалъаси бўлган зот билан – муҳтарама онамиз Хадича розияллоҳу анҳо билан бирга ўтказайлик.

Аллоҳга қасам, яна Аллоҳга қасамки, ушбу мустаҳкам иймон қалъаси, ўз молини, қалбини ва ақлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бахш этган бу мухлиса ва вафодор аёл тавсифига муносиб сўз топиш жуда мушкул!! Одамлар инкор қилиб турган пайтда у зотга иймон келтирган, одамлар ёлғончига чиқариб турган пайтда у зотни тасдиқлаган, одамлар маҳрум қилиб турган пайтда моли билан ёрдам кўрсатган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан энг катта мақтовга сазовор бўлган эдилар бу муҳтарама зот!

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Сийрат ва тарих китобларини варақлаб кўрсак, Хадича бинт Хувайлид онамиздек ўз турмуш ўртоқлари ёнида садоқат ва бардош билан турган бирон аёлни топиш мумкин эмас!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳиро ғорида эканлар, биринчи бор Жибрил алайҳиссалом у зот ҳузурларига тушганларидаги ҳолатни эсга олинг. Ўшанда Жибрил у зотни қаттиқ қисиб: «Ўқи!» деб амр этган, у зот: «Мен ўқий олмайман» деб жавоб берган эдилар.

Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўрқувдан юраклари қалтираб, вафодор аёллари Хадича ҳузурига кириб келиб: «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!», дедилар. Шунда онамиз у зотни ўраб қўйдилар. Қўрқувлари бироз аригач, бўлган воқеани айтиб бердилар ва: «Ўз жонимга хавф қилиб қолдим, эй Хадича», дедилар.

Шунда онамиз: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни харгиз хорлаб қўймас. Зеро, сиз қариндош-уруғлар билан борди-келди қиласиз, етим-есирларни қўллайсиз, қашшоқларни фойдалантирасиз, келган меҳмонни чиройли кузатасиз, мусибатдорларга ёрдам қўлини узатасиз», дедилар.. Аллоҳу акбар.. Ҳа, бу фақат Хадичага муносиб сўзлардир!

Шунинг ўзи билангина кифояланмадилар. Балки, Хадича у зотни ўзларининг амакиваччалари Варақа ибн Навфал ҳузурига олиб бордилар. У жоҳилиятда насроний динини қабул қилган, ибронийча хат-саводи бор одам бўлиб, Инжилдан Аллоҳ ҳоҳлаганича ибронийда кўчириб ёзар эди. Хадича унга: «Эй амакимнинг ўғли, биродарингизнинг ўғлига бир қулоқ солинг» дедилар. Варақа: «Эй жияним, нималар кўраяпсиз?» деб сўради. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ўзлари кўрган нарсаларни айтиб бердилар. Варақа: «Бу Аллоҳ Мусога нозил қилган Номус (Жаброил фаришта)дир, мен сизнинг ушбу умматга пайғамбар бўлишингизни умид қиламан», деди.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло: **«Эй** (либосларига) **бурканиб олган зот, туринг-да,** (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг!»** (Муддассир: 1, 2) оятларини нозил қилди.

Шу билан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлдилар. У зотга иймон келтириш мусобақаси майдонида Хадича онамиз жумҳур уламолар сўзларига кўра, биринчи ўринни эгалладилар, на биронта эркак, на биронта аёл у зотдан ўтиб кетолмади.

Ўша кундан эътиборан онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни даъватни етказишларида қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш ва мушрикларнинг озору азиятларига саботли бўлишга чорлашдек янги улкан вазифани бажаришга киришдилар, у зотга ўз ақллари, моллари, фикрлари, нафслари ва вақтларини бахш этдилар, Исломнинг илк нурлари онамизнинг муборак уйларидан таралиб, бутун оламга ёйилди.

Шундан сўнг Макка аҳли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан адоват ва озорларини кучайтириб юборди, Қурайш залолат ва туғёнга чўмди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавмлари бўлмиш Бану Ҳошимни тўла уч йил иқтисодий қамалга олди. Ана шунча қамал даврида покиза ва собира жуфтлари Хадича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларида елкама-елка

туриб, бутун молларини сарфлаб, у зотни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, келаётган озорларни кўтаришда теппа-тенг шерик бўлиб, сабр қилиб, рози бўлиб, савоб умидида турдилар, онамизнинг бу қадар фидокорликларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг у зотга бўлган муҳаббатлари ва у зотни қадрлашлари яна ҳам ортди. Қамал тугаганидан сўнг кўп ўтмай онамиз Парвардигорларининг чорловига лаббай деб, розия ва марзийя бўлган ҳолда, халқлар саййиди тарафидан жаннатларда ва жаннатлардаги дарёлар устида Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлиш хабари билан хушхабарланган ҳолда дунёдан ўтдилар.

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Яна бир гўзал ўрнак ва олий намуна соҳибаси содиқ ва собир мужоҳид аёл Асмо бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳумо бўлиб, улар ҳам фидокорликнинг энг гўзал намунасини кўрсатган эдилар.

Асмо айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳижратга) чиқиб, Абу Бакр ҳам у зот билан бирга чиқиб, ҳамма молини олиб кетганидан сўнг бобом Абу Қуҳофа бизникига кирди, унинг кўзи ожиз бўлиб қолганди. У деди: «Аллоҳга қасамки, ўйлашимча у (яъни Абу Бакр) сизларни ҳам жонидан, ҳам молидан маҳрум қилган бўлса керак». Шунда мен дедим: «Йўқ, эй отажон! У бизга кўп яхшилик (яъни мол) қолдириб кетди». Кейин кўмир парчаларини териб, отам молини қўядиган жойга қўйдим ва устига кийимимни ташлаб, унинг қўлидан ушлаб: «Эй отажон, мана бу мол устига қўлингизни қўйинг», дедим. У қўлини қўйди, сўнг: «Ёмон эмас, агар у сизларга буни қолдириб кетган бўлса, яхши иш қилибди», деди».

Асмо айтадилар: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, отам бизга ҳеч нарса қолдириб кетмаган эди, лекин мен бу билан қарияни тинчлантиришни истаган эдим» (Ибн Исҳоқ, Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилганлар).

Ҳа, ажабга ўрин йўқ! Зотан, Асмо Ислом тарбияхонасида тарбия кўрган, уни Сиддиқ розияллоҳу анҳу Қуръон ва Суннат устида тарбия қилган эдилар!

Яна бир гўзал намуна соҳибаси ҳақида эшитинг..

У қози Шурайҳ ибн Шураҳбийлнинг аёли Умома бинт Ҳорисдир.

Бир куни қози Шурайҳ Шаъбий билан учрашиб қолибди..

Шурайҳни яхши билсангизлар керак деб ўйлайман. У Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу томонидан Кўфа қозилигига тайинланган ва олтмиш йил шу вазифада турган, адолати ва ростгўйлиги билан зарбул-масалга айланган Шурайҳ ибн Шароҳийл ёки Шураҳбийлдир.

Шаъбий эса улуғ тобиий, ўз асрининг алломаси бўлиб, ҳижрий йигирма саккизинчи йилда таваллуд топган. У ҳақда Саид ибн Зайд Макҳулдан шундай ривоят қилади: «Шаъбийдан кўра олимроқ кишини кўрмадим».

Хуллас, бир куни қози Шурайҳ Шаъбий билан учрашиб қолади ва Шаъбий Шурайҳдан уйидаги аҳволидан сўрайди.

Шурайҳ: «Йигирма йилдан бери аҳлимдан биронта ҳам ғазаблантирадиган нарсани кўрмадим», деб жавоб беради.

«Қандай қилиб?», сўрайди Шаъбий.

Шурайҳ шундай жавоб беради:

«Аёлим ҳузуримга кириб келган биринчи кечада унинг мафтункор гўзал ва соҳибжамол эканини кўрдим. Ичимда айтдимки, Аллоҳ азза ва жаллага икки ракъат намоз ўқийман.

Намозимдан салом бериб, кўрдимки, у ҳам менинг намозимни ўқиб, мен билан бирга салом бериб турибди.

Уй ёру дўстлардан холи қолгач, мен унга қўл узатдим. Шунда у: «Ўрнингиздан қимирламай туринг, эй Абу Умайя», деди. Сўнг сўз бошлади:

«Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Мен Унга ҳамд айтаман ва Ундан ёрдам сўрайман, Муҳаммадга ва у зотнинг аҳли ва асҳобига саловотлар айтаман. Ва баъд... Мен сизнинг хулқ-атворингиздан бехабар, (хонадонингизга) бегона аёлман. Менга ўзингиз яхши кўрадиган нарсаларни айтиб беринг, мен ўша ишларни қилай ва менга ўзингиз ёқтирмайдиган нарсаларни айтиб беринг, мен уларни тарк қилай»..

Кейин деди: «Дарҳақиқат, ўз қавмингиз ичида ҳам сизга муносиб аёл бор эди, менинг қавмимда ҳам менга муносиб эркак бор эди. Аммо, Аллоҳ бир ишни тақдир қилган бўлса, у албатта бўлади. Сиз (менга) эга бўлдингиз, энди Аллоҳ сизга буюрганидек иш қилинг, ё яхшилик билан олиб қолинг, ё эса чиройли суратда ажрашинг. Бу сўзимни айтарканман, ўзим учун ва сиз учун Аллоҳга истиғфор айтаман».

Ё Аллоҳ!! Қани, қай биримиз никоҳ кечамизда шу каби сўзларни эшитган?!..

Шурайҳ айтади: «Аллоҳга қасамки, эй Шаъбий, у менга шу мавзуда хутба қилиш мажбуриятини юклаб қўйди. Шундан сўнг мен дедим: «Аллоҳга ҳамд айтаман ва Ундан ёрдам сўрайман, Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловотлар айтаман. Ва баъд... Сен шундай гапларни айтдингки, агар шунда собит турсанг, бу ўзингнинг фойданг бўлади, агар қуруқ даъво қилаётган бўлсанг, бу ўзингга қарши ҳужжат бўлади. Албатта, мен фалон-фалон нарсаларни ёқтираман ва фалон-фалон нарсаларни ёқтирмайман. Қандайки бир яхшиликни кўрсанг, уни ошкор қилгин, қандай бир ёмонлик кўрсанг, уни яширгин».

«Қариндошларимнинг зиёратига қандай қарайсиз?», сўради у.

«Улар мени малоллантириб қўйишларни истамайман», дедим.

«Қўни-қўшниларингиздан кимлар ҳовлингизга бемалол киришини истайсиз, токи мен уларга изн берай ва кимларни ёқтирмайсиз, токи мен ҳам уларни ёқтирмай?», деб сўради.

«Фалончилар яхши одамлар, фалончилар эса ёмон одамлар», дедим.

Шурайҳ айтади: «Ўша кечани у билан чиройли ўтказдим. Йигирма йилки, у мен билан бирга яшаб келади. Шунча вақтдан бери мен унинг биронта ҳам ишини айбли санамадим, фақат бир марта уни итоб қилдим, шунда ҳам айб ўзимда эди».

Олтинчи: Табрик ва хушхабар

Мен Ислом қизига, иззат, шараф ва ҳаё пойдеворига, авлодлар бунёдкори ва мардлар тарбиячисига, асрлар мобайнида ибо ва ҳаё тахтида қўр тўккан, бир қўлида бешик тебратиб, иккинчи қўлида куфрнинг тахтларини ларзага солган, йиртқич ҳужумлар қаршисида метиндек тура олган, очиқ-сочиқликка чақирувчиларга ҳижобини маҳкам тутиш билан тик қарай олган, ботил ва ёлғонлар тўфони қаршисида қилт этмай тура олган мустаҳкам қалъага, Парвардигорининг Китобини бағрига маҳкам босган ва Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроқларини баланд кўтарган муслима синглимга табрик ва хушхабар йўллайман.

Эй тоза дур, эй садаф ичра яширин покиза гавҳар!

Бугун сен бошдан ўтказиб турганинг иккинчи ғариблик замонида мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан айтилган табрик ва хушхабарни етказмоқчиман. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда у зот шундай марҳамат қилганлар: **«Ислом ғариб бўлиб бошланган ва қандай бошланган бўлса, ўшандай ғарибликка қайтади, ғарибларга жаннат бўлсин!».**

Сенга табрикларимиз бўлсин эй Ислом қизи ва ҳижоб соҳибаси!

Шеър мазмуни:

Эй кечаги кунгача асралган дурру гавҳар,
Бугун сени эрмакка айлантириш истарлар.
Эй ҳур сингилжон, сени чўри қилмоқ исташар,
Ақлинг-у насабингдан айри қилмоқ исташар.
Тенг бўлурми Набийни ўзига муршид билган,
Бораётган кимсага Абу Лаҳаб изидан?!
Баробарми Заҳрони намуна деб кўрганлар,
Умму Жамил изин ё кўзларига сурганлар?!
Парво қилмагил синглим, шубҳалар бари абас,
Сен энг олий шариат ва дин узрадирсан, бас!
Сўргил: Кимман, аҳлим ким, нечук наслу-насабим?
Ғарбми менинг отам ё Исломми қиблагоҳим?
Дўстим ким, душманим ким, кимгадир ибодатим?
Аллоҳгами ё осий тоғутга итоатим?
Шу икки йўл бор фақат, синглим, йўқдир бошқа йўл,
Бас, истасанг жаннати, истасанг дўзахи бўл!
Раббинг йўли Исломдир, манҳажи эрур Қуръон,
У Аллоҳнинг нуридир, зиё сочар нурафшон.
Бас, Исломни маҳкам тут ва нафсингни юксалтир,
Фожирларнинг лой-балчиқ йўлларидан узоқ юр.
Ҳаё-номусинг асра, асло хорлама танинг,
Аллоҳ учун сабр қил, жаннат сенинг ватанинг.

Улуғ Парвардигоримиз Аллоҳ таолодан бутун башариятни Исломга чиройли суратда қайтаришини, Исломнинг нусрати ва муваҳҳидларнинг иззати билан кўзларимизни қувончга тўлдиришини сўраймиз.

Дуо...

28.04.10.